

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАКТАБ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Жавохирхўжа Қайумов**

**ШАШМАҚОМ АСОСЛАРИ**

(Олий таълим муассасаларининг бўлажак музика ўқитувчилари учун ўқув  
қулланма)

Чирчиқ - 2026

Қаюмов Ж. Шашмақом асослари. Ўқув қўлланма – Чирчиқ,  
2026

Мазкур ўқув қўлланма Чирчиқ давлат педагогика университети ва мусиқа маданияти таълими йўналиши бўйича олий педагог таълим муассасаларида 60111300 – Мусиқа таълими ихтисослигида таҳсил олаётган талабалар, амалий фаолиятдаги мусиқа ўқитувчилари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари мутахассислари, хаваскорлик ансамбллари ижрочилари ва хонандалик санъатига қизиқувчи ёшлар учун мўлжалланган бўлиб, унда “Шашмақом асослари” (an’anaviy xonandalik) масалалари ёритилган. Мақом хонандалиги бой ижрочилик тажрибасига эга анъанавий хонандаликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Мазкур ўқув қўлланманинг кредит-модул тизими талаблари асосида тайёрланган бўлиб, “Мусиқа таълими” фан дастурига таянилган.

***Масъул муҳаррир:***

Анвар Лутфуллаев, Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети профессори

***Тақризчилар:***

Рашид Примов, ҚДУ “Мусиқа таълими” кафедраси мудири, доцент.  
Шоҳида Маҳкамова, ЧДПУ “Мусиқа таълими” кафедраси доценти

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>4</b>
<b>1- МОДУЛ. ШАШМАҚОМНИНГ АШУЛА БЎЛИМИ МЕТОДОЛОГИЯСИ</b>	<b>7</b>
<i>1-мавзу: Шашмақомнинг Ашула бўлими тузилиши</i> .....	7
2-мавзу: Шашмақомнинг Ашула бўлими назарий хусусиятлари .....	9
3-мавзу: Хонандаликда овозни йўлга қўйиш .....	14
4- мавзу: Чолғуларни ўрганиш .....	17
5- мавзу: Амалий машғулотлар (тренинг) .....	21
<b>2– МОДУЛ. ШАШМАҚОМНИНГ БИРИНЧИ ГУРУХ ШЎЪБАЛАРИ ....</b>	<b>22</b>
6- мавзу: Сарахбор ашулалар хусусиятлари .....	22
7-мавзу: Амалий машғулотлар .....	25
8-мавзу: Тарона ва Уфар ашулалар .....	25
9-мавзу: Амалий машғулотлар .....	29
10- мавзу: Талқин ашулаларининг ўзига хос жиҳатлари .....	30
11- мавзу: Амалий машғулотлар .....	32
12- мавзу: Наср ашулалар тизими .....	32
13- мавзу: Амалий машғулотлар .....	35
<b>3 – МОДУЛ. ШАШМАҚОМНИНГ ИККИНЧИ ГУРУХ ШЎЪБАЛАРИ ...</b>	<b>37</b>
<i>14- мавзу: Муғулча ашулалар таснифи</i> .....	37
15- мавзу: Амалий машғулотлар .....	40
16- мавзу: Савт ашулалар тавсифи .....	40
17- мавзу: Амалий машғулотлар .....	43
18- мавзу: Мустазод ашулалар таҳлили .....	43
19-20- мавзулар: Амалий машғулотлар .....	45
<b>4- МОДУЛ. ШАШМАҚОМНИНГ ШЎЪБАЧА АШУЛАЛАР ТУРКУМИ. 46</b>	<b>46</b>
21- мавзу: Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Чапандоз ашулалар .....	46
22-31- мавзулар: Амалий машғулотлар .....	51
32- мавзу: Қаландар ва Самандар ашулалар .....	51
33-34- мавзулар: Амалий машғулотлар .....	53
<b>АСАРЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	<b>54</b>
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	<b>107</b>
<b>ГЛОССАРИЙ</b> .....	<b>109</b>

## КИРИШ

*МУСИҚА ОЛИЙЖАНОБ ФАН ВА НАФИС  
САНЪАТДИР. УНИНГ МАЪНОСИГА ФАҚАТ  
ОЛИЙЖАНОБ КИШИГИНА ЭТА ОЛАДИ ХОЛОС.*

*КАВКАБИЙ*

Ўз миллий маданиятимиз мусиқа ва бошқа санъат турлари тарихини билмасдан туриб, бошқа халқлар санъатини ўрганиш бир томонлама ёндашиш бўлади. Ўзбекистонинг буюк давлатга айланишида учинчи ренесансга қадам қўйиш бошланган бугунги даврда таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, ёшларни замонавий илм-фан, маданият, техника ютуқлари билан мунтазам таништириб бориш катта аҳамият касб этади. Таълим-тарбияга аҳамият бериш-бу келажак ҳақида қайғуриш, юрт ва халқ истикболини ўйлаш, тарбия қанча мукамал бўлса халқ шунча бахтли яшайди, деган донишмандлар. Ўқитувчи-устозлик касбида билимдонлик, зукколик, ўз касб маҳоратини мунтазам такомиллаштириб бориши талаб этилади. Ёшларнинг камол топишида санъат алоҳида ўрин тутади. Бошқа санъат турлари қатори мусиқа санъати ҳам ушбу жараёнда ўзининг муҳим ўрнига эга.

Жамиятда маънавий ва маданий қадриятлар мустахкамланиши, ёш авлодни миллий меросга тарихий анъаналарига ҳурмат, Ватанга мухаббат, мустақиллик ғояларига садоқатлилик руҳида тарбиялаш - педагогик фаолиятини белгиловчи омиллардан ҳисобланади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз маърузаларида буюк мутафаккир Юсуф Хос Ҳожибнинг сўзларини келтириб: “Дунёда икки инсон ҳақиқий инсон саналади, бири – ўргатувчи, бири - ўрганувчи. Мен сизларнинг ҳар бирингизга ана шундай ҳақиқий инсон бўлиш бахти насиб этишини тилайман” деб биз устозларни кадрладилар. Яна бир маърузаларида: “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак, мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди. Шу маънода, маданият – бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир.” Ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий

савиясини юксалтириш, ёшларни миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг мумтоз асарлари намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқа таълимини янада ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Бу ҳақида Президентимиз ўз фикрларини баён этар экан, “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи бўлсак, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак”, дея қайд этадилар.

Ҳозирги замон Ўзбекистон мусиқа маданияти ўта мураккаб жараён сифатида гавдаланади. Унинг серқатлам бисотидан камонли чолғулар учун яратилган мусиқаси алоҳида ўрин тутади. Қадим-қадимлардан етиб келган бу санъат, XX аср мобайнида тубдан ўзгара бошлади, янги изланишлар билан бойитилди, янги ижрочилик йўналишларнинг вужудга келишига асос солди.

Бугунги кунда мусиқа санъати инсонларга ва айниқса ёшларга кўтаринки руҳ бериши, уларни ижодкорликка, бунёдкорликка йўналтириши билан аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам юртимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби маданият ва санъат соҳасида ҳам бу жараён изчиллик билан ривожланмоқда. Хусусан, ўзбек мусиқа санъатининг юксалиши йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси олий таълим педагогика муассасалари 60111300 – Мусиқа таълими йўналиши талабаларини касбий тайёрлашда бугунги кун талабларига асосланишни тақоза этади. Мазкур таълим йўналиши ўқув Дастури асосида ишлаб чиқилган Ишчи-ўқув дастурига биноан ушбу ўқув қуланма тузилди. Унда илк бор “Шашмақом хонандалиги”нинг методологияси, ижрочилик услублари ва амалий фаолият кўникмалари масалалари таҳлил этилди. “Шашмақом”нинг хонандалиги бўйича ўқув адабиётлари нашр этилган бўлиб, лекин бу борада ўқув қуланма